

928.2  
890

К-76-X

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**



**МАҲМУД КОШҒАРИЙ ҲАЁТИ ВА  
“ДЕВОНУ ЛУҒОТИГ ТУРК” АСАРИНИНГ  
ЎРГАНИЛИШИ**

**ТОШКЕНТ-2010**


975.2  
890  
К-76-X

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ


ЖўРА ХУДОЙБЕРДИЕВ

МАҲМУД КОШҒАРИЙ ҲАЁТИ ВА  
«ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК» АСАРИНИНГ  
ЎРГАНИЛИШИ



Тошкент-2010

UBH



Ушбу услубий қўлланмада Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва «Девону луғотит турк»нинг ўрганилиши бўйича умумий маълумотлар ҳамда мавзуга оид асарлар библиографияси берилган.

Услубий қўлланма бакалавр талабалар, магистрлар, туркология масалалари билан шуғулланувчи тадқиқотчиларга мўлжалланган.

В данном методическом пособии даны общие сведения жизни Махмуда Кашгари и его произведения «Девану луғатит турк» а также приведена библиография произведений по данной теме.

Методическое пособие предназначено для студентов бакалавриата, магистратуры и исследователей, занимающихся проблемами туркологии.

There has been given general information of Mahmud Kashgari's life and his work "Devonu Lugatit turk" in this manual and bibliography of works on the given theme is presented.

The manual is intended for students of bachelor and master degree and the researchers dealing with the problems of Turkic Philology.

Масъул муҳаррир: Ҳ. Дадабоев – филология фанлари доктори, профессор, ЎЗМУ умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси кафедраси мудири

Тақризчилар: Қ. Омонов – филология фанлари номзоди, доцент, ТДШИ туркиёт кафедраси мудири  
З. Ҳамидов – филология фанлари номзоди, ЎЗМУ доценти

Мирзо Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий кенгаши нашрга тавсия этган (2009 йил 29 декабрь мажлисининг 6-сонли баёни).

## Сўз боши

XIX аср охири - XX аср бошларида туркий халқларга оид жуда кўплаб ноёб обидалар, жумладан Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарлари, қадимги туркий, уйғур ёзуви ёдгорликлари топилди. Узоқ вақт давом этган мунозаралардан сўнг қадимги туркий битиклар ўқилиб, уларнинг туркий халқларга мансуб эканлиги илмий жиҳатдан исботланди. Шу даврда аниқланган муҳим асарлар орасида «Девону луғотит турк» ҳам бор эди.

Асар топилганидан кейин қисқа вақтда чоп этилди, уни илмий асосда ўрганиш бошланди, турк, ўзбек, уйғур, озарбайжон, қozoқ, инглиз, немис, хитой, рус ва эрон тилларига таржима қилинди. Марказий Осиё халқларининг XI асрдаги ҳаёти билан боғлиқ барча маълумотларни кенг қамраб олган ушбу бебаҳо нанба фанда алоҳида аҳамиятта эга эканлиги тадқиқотчилар томонидан кўрсатиб берилди.

Ушбу қўлланма тил ва адабиёт тарихи, туркология масалалари билан шуғулланувчи бакалавр, магистр ҳамда тадқиқотчиларга мўлжалланган бўлиб, икки қисмдан ташкил топган. Биринчи қисмда Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва «Девону луғотит турк» асари бўйича ҳозиргача амалга оширилган ишлар тўғрисида умумий маълумот берилган. "Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва "Девону луғотит турк" бўйича амалга оширилган тадқиқотлар библиографияси", деб номланган иккинчи қисмда эса мавзуга оид ишлар библиографияси келтирилган.

Библиографияни тузишда Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва «Девону луғотит турк»нинг ўрганилиши бўйича яратилган тадқиқотлар номини имкон қадар тўларoқ қамраб олишга ҳаракат қилинди ҳамда фойдаланувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида асарлар номи қайси тилда яратилганлигига қараб тузилди.

Қўлланманинг нашр этилишида яқиндан ёрдам берган масъул муҳаррир Ҳамидулла Дадабоевга, тақризчилар Қудрат Омонов ва Зиёдулла Ҳамидовларга ҳамда «Девону луғотит турк» асари бўйича Хитойда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот тақдим этган, Пекин Марказий Милла тлар университетида ўзбек тилидан дарс берган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Гулбаҳор Искандаровага, Уфа, Қозон, Истанбул, Анқара шаҳарларида чоп этилган бир неча китобларни юборган Ҳусайн Барганга ўз миннатдорлигимизни билдираимиз.

## Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва «Девону луғотит турк» асарининг ўрганилиши

### «Девону луғотит турк» қўлёзмасининг топилиши.

Одамларда нимагадир ишқибозлик бўлади. Кимдир марка йиғади, кимдир самоварлардан коллекция тўплайди, яна кимдир бутун умри давомида турли соатларни йиғишдан завқ олади. Асли Туркиянинг Диёрбақр шаҳридан бўлган Али Амирий эса туркий халқлар тарихи, адабиёти, тили ва маданиятига оид эски китобларни йиғишдан завқ олар эди. Яхши китобни қўлга киритиш учун дунёнинг хоҳлаган томонига бориб келишга, бор будини беришга тайёр бу зиёли Истанбулдаги эски китоблар сотиладиган бозорга ҳар ҳафтада икки-уч марта чиқиб китобларни қўрар, ўзига маъқул бўлганини сотиб оларди.

Шундай кунларнинг бирида Али Амирий Бурҳонбейнинг китоб дўконидан 33 лирага «Девону луғотит турк» асарини сотиб олди. У ўз шогирдларига китобни сотиб олгандаги ҳолатини шундай гапириб берган: «Китобни қўлимга олишим билан ўзимни йўқотиб қўйдим. Ўттиз лира эмас, ўттиз минг лира қиймати бор. Дунёда қиёси йўқ ҳам маълум бўлмаган бир турк қомуси ва грамматикаси...

Китобни олиб ўйга келдим. Еб-ичишни ҳам унутиб, бир неча соат унинг мутолааси билан машғул бўлдим. Дўстлар, сизга билдирипман. Бу китоб эмас, Туркистон ўлкасидур! Туркистон эмас, жумлаи жаҳондур! Турклиқ, турк тили бу китоб соясида бошқача равнақ топади! Араб тили учун Сибавайҳийнинг китоби қандай муҳим бўлса, бу ҳам турк тили учун шундай аҳамиятлидир. Ҳозирга қадар турк тилида бунинг каби китоб ёзилгани йўқ. Бу китобнинг ҳақиқий баҳоси аниқланмоқчи бўлса, жаҳоннинг хазиналари бунга тенг келолмас.

Бу китоб билан ҳазрати Юсуф орасида бир ўшашлик бор. Юсуфнинг ўртоқлари уни арзимас бир ақчага сотдилар. Бироқ уни Мисрда ўзининг оғирлигича келадиган жавоҳирга пулладилар. Бурҳонбей бу китобни менга 33 лирага сотди. Мен эса буни бир қанча оғирлигидаги беҳисоб олмосларга, зумрадларга бермайман» [237.177].

Турқологияда асарнинг топилиш санаси ва жойи билан боғлиқ турли фикрлар айтилган. Олий ўқув юртлари талабалари учун чиқарилган «Ўзбек адабий тили тарихи»да «Девон»нинг 1914 йилда Туркиянинг Диёрбақир шаҳрида топилгани қайд этилган

[41.35]. Ушбу қўлланманинг қайта ишланган нашрида ҳам айнан шу фикр келтирилган [42.66-67]. Бошқа ўзбек олимларининг ишларида ҳам шундай фикр учрайди. Татар олими Х. Махмутов эса асарнинг 1915 йилда Истанбулда топилганини қайд этади [75.8]. Машҳур туркийшунос олим А.Н. Кононов Али Амирий «Девон»ни Истанбулдаги эски китоблар сотиладиган бозордан 1914-1915 йиллар оралиғида сотиб олган, деган фикрни билдирган [17.34]. «Девон»ни топган Али Амирий фаолиятини ўрганган турк олими Мухтор Тевфик ўғли эса «Девон» 1908-1912 йиллар оралиғида топилган деган хулосага келган [237.72-73].

Ўша давр манбаларидаги далилларни қиёслаб ўрганиш эса «Девон»нинг Истанбул шаҳрида Али Амирий томонидан 1913 йилда топилганлигини кўрсатмоқда [48; 49; 50; 51; 52; 210].

**«Девону луғотит турк»нинг қўлёзмаси.** «Девон»нинг бизгача етиб келган ушбу ягона нусхаси Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абулфатҳ Дамашқий томонидан 664 ҳижрий йилнинг 27 шовволи, яъни милодий 1266 йил 1 августда кўчириб тугатилган. Котибнинг сўзларига қараганда, асар Маҳмуд Кошғарийнинг ўз кўли билан ёзилган қўлёзмадан кўчирилган [19.453]. Қўлёзма 319 варақ, 638 саҳифадан иборат. Қўлёзманинг ҳар саҳифасида 17 сатрдан матн берилган [194.XI]. Мазкур нусха ҳозирда Истанбулдаги Миллат кутубхонасининг Али Амирий фондида сақланмоқда [237.66].

Котиб туркий тилларни билмаганлиги, араб тилини эса ўртача билганлиги боис асарни кўчириш жараёнида бир қанча хатоларга йўл қўйган [17.35; 198.XVI-XVII].

Килисли Рифат «Девон»ни нашрга тайёрлаш, Бесим Аталай таржима қилиш чоғида матндаги айрим чалкаш ўринларни тузатишга ҳаракат қилганлар [204.XVII]. Лекин ҳар иккиси ҳам бу ишларни амалга оширишда маълум хатоликларга йўл қўйганликлари тадқиқотчилар томонидан аниқланган [88.133-135; 172.75-110].

«Девону луғотит турк»нинг бошқа нусхалари ҳам мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор [248.36].

**«Девону луғотит турк»нинг тузилган вақти.** Туркологияда асарнинг қачон тузилганлиги ва таҳрир қилиниш муддати хусусида ҳам турли қарашлар мавжуд [247.29-32]. Чунки «Девон»да асарнинг ёзилиши билан боғлиқ бир-биридан фарқ қиладиган тўртта маълумот келтирилган:

1. Асарни кўчирган котиб Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абулфатҳ Дамашқий «Девон» колофонидида шундай ёзган: «Маҳмуд Кошғарий қўлёзмасининг охиридаги парчани айнан келтираман: Китоб ёзишга 464 йил, жумодиюл аввалнинг бошларида киришган эдим. Тўрт қайта ёзилиб, таҳрир қилиниб, 466 йил, жумодиюл охиригун 12-сида тугади» [20.453].

2. «Бу китобни ёзган йилимиз тўрт юз олтмиш олтинчи (466) йилнинг муҳаррам ойида илон йили кирган эди. Бу йил ўтиб, тўрт юз олтмиш еттинчи йил келса, **жунд йили** от йили киради» [18.331].

3. «Бу китобни ёзган йилимиз тўрт юз олтмиш тўққизинчи йил, яъни **нэк йили** эди» [20.170].

4. Асар муқаддимасида «Девон» «улуг пайғамбар мартабасидаги хошимийлар сулоласидан, аббосийлар авлодидан бўлган» Абулқосим Абдуллоҳ бинни Муҳаммадил Муқтадога инъом этилгани айтилган [18.44]. Абулқосим Абдуллоҳ бинни Муҳаммадил Муқтадо эса ҳижрий 467 йилнинг шобон ойида (1075 йил апрель) халифа деб эълон қилинган. Ҳижрий 487 йилнинг муҳаррам ойида (1094 йил февраль) вафот этган [17.36-37]. Бу маълумотлар эса асар ёзилиши хусусидаги турли фикрларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

О. Прицакнинг аниқлашича, Маҳмуд Кошғарий «Девон» устидаги ишни 1072 йилда бошлаб, 1078 йилда тугатган [231.246].

М. Ҳартманнинг фикрича, 466 ҳижрий йилнинг Абулқосим Абдуллоҳ бинни Муҳаммадил Муқтадо халифалик қилган йилга мос тушмаслигининг сабаби асарнинг ўзи 466 ҳижрий йилда ёзиб тугатилган, муқаддима эса «Девон» халифага тақдим этилган 467 йилда ёзилган [208.168].

Заки Валидий Тўғон эса асарнинг тузилиши ва таҳрир этилиши хусусида: «Девон» эрамизнинг 1072 йил 25 январидан бошлаб, ал-Коим халифа бўлиб турган эрамизнинг 1076-1077 йилларида тузилган. «Девон» таҳрир этилгандан сўнг халифа ал-Муқтадийга армуғон этилган. Демак, «Девон» устидаги иш ниҳояланган йил деб ҳижрий 470 йилни – эрамизнинг 1077 йилини қабул қилиш керак», деган фикрни билдирган [248].

Л. Базеннинг фикрича, «Девон»ни тузиш 1072 йил 25 январда бошланган ва у тўрт марта таҳрир қилинган:

- 1) ҳижрий 464, милодий 1072 йил;
- 2) ҳижрий 466, милодий 1073 йил;
- 3) ҳижрий 469, милодий 1076 йил;
- 4) ҳижрий 476, милодий 1083 йил 27 октябрь [179].



А.Н. Кононов «Девон»нинг тузилган ва таҳрир этилган йилларини Л. Базен тўғрироқ ҳал этган, деб ҳисоблайди [17.38]. Худди шундай маълумотни Э. Фозилов ҳам келтирган [46.36].

**«Девону луғотит турк»нинг тузилиши.** Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи асарнинг тузилиши хусусида бундай ёзади: «Мен бу китобни махсус алифбо тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан бегадим. Қаттиқ жойларини юмшатдим, қийин ва қоронғу жойларини ёритдим. Бу иш устида сўзларни ўз жойига қўйиш, керакли сўзларни осонлик билан топиш учун бир неча йиллар машаққат тортдим. Ниҳоят, керакли сўзларни ўз жойида кўзлайдиган, қийинчиликсиз топа оладиган бир ҳолга келтирдим.

Китобни саккиз асосий бўлимда чекладим:

1. Ҳамзалик (сўзлар) бўлими.
2. Солим бўлими.
3. Музаоф бўлими.
4. Мисол бўлими.
5. Уч ҳарфли сўзлар бўлими.
6. Тўрт ҳарфли сўзлар бўлими.
7. Фунналилар бўлими.
8. Икки ундош қатор келган сўзлар бўлими.

Ҳар бир бўлимни отлар (исмлар) ва феъллар тарзида икки қисмга ажратиб бердим. Отларни олдин, феълларни эса отлардан кейин ўз сирасига қараб, бобларга ажратиб, ўз ўрнида олдинмакетин кўрсатдим» [18.44-45].

«Девон» муқаддима ва луғат қисмлардан ташкил топган. Муқаддимада туркий тилининг аҳамияти, хусусан, асарнинг тузилиши, ёзув, феъллардан ясалган исмлар, сўз тузилиши ва ўзгариши, турк қабилалари ҳақида кенг маълумот берилган.

Маҳмуд Кошғарий туркий тилларнинг фонетик қонуниятларига алоҳида эътибор бериб, товуш алмашиши, товуш тушиши ва товуш ортиши сингари ҳодисаларни атрофлича изоҳлаган. Олим туркий тиллар фонетикаси, лексикаси ва морфологиясини синчковлик билан қиёслаб чиққан. Туркий тиллар орасидаги умумий ва фарқли томонларни кўрсатиб берган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Кошғарий тилшуносликда қиёсий-тарихий методнинг асосчиларидан бири деб эътироф этилган [82.70-71].

Луғат бўлимида туркий халқлар ҳаётининг турфа соҳаларига оид сўзлар изоҳланган. «Девон»да келтирилган сўзлар гуруҳини ўрганиб, ўша даврда туркий тиллар луғат жиҳатдан жуда бой



бўлганлиги ҳақида тўхтамга келиш мумкин. Масалан, асарда бинокорлик (43), мевачилик (53), полизчилик (28), чорвачилик (155), қишлоқ хўжалик асбоблари (72), дарахт ва ўсимлик (74), заргарлик (24), тикувчилик (80), кemasозлик (8), кулолчилик (10), рўзғор ашёлари (122), пазандачилик (145), ҳарбий қурол-аслаҳаларга (75) оид сўзлар изоҳланган [15].

Бу термин ва лексик бирликлар қорахонийлар даврида туркий қабилаларнинг ижтимоий ҳаёти ҳар тарафлама ривожланганидан дарак берувчи муҳим далилдир.

**«Девону луғотит турк»да туркий қабилалар ҳақидаги маълумот.** Маҳмуд Кошғарий асарда «Жануб ва Шимол ўртасида» яшайдиган туркий қабилалар жойларини аниқ кўрсатган. «Девон»га илова қилинган доира шаклидаги харитада ҳам бу маълумот келтирилган. Олим асарда **ава, алқа, арамут, арғу, афшәр, эзгӣш, эјмур, элкә булақ, бајат, бајундур, барсаған, басмӣл, башғӣрт, бэгтӣлӣ, бэјәнэк, бэјән, букдуз, булғар, јувалдар, јумул, їғрақ, јабақу, йава, јазғӣр, јәмәк, јаруқ, јаруқлуғ, јасмӣл, јағма, јәпнӣ, јгдәр, јїғрақ, кәнјәк, кочәт, оғуз, салғур, сувар, суғдақ, татар, тавғач, таңгут, төгәр, тутїрқа, тухсї, тўбўт, турк, туркмән, ујғур, уч, уғрақ, урағїр, ула јундлуғ, халач, хотан, хїтај, чаруқ, чаруқлїғ, чїгїл, чумул, қаж, қажїғ, қарајағма, қара бөлук, қарлуқ, қнїк, қїрқїз, қїфчақ** каби туркий қabila ва уруғларнинг номларини қайд қилган [14.391-397]. Маҳмуд Кошғарий туркий қабилалар хусусида шундай ёзди: «Турклар аслида йигирма қабиладир. Улар ҳаммаси Нуҳ пайғамбар ўғли Ёфас, Ёфас ўғли «Турк»ка бориб тақаладилар.

... Ҳар бир қабиланинг саноксиз аллақанча уруғлари бор. Мен булардан асосини, она уруғларини ёздим, шахобчаларини ташладим. Фақат ўғуз туркманларининг майда уруғларини ҳам, уларнинг молларига қўйиладиган белгиларини ҳам ёздим, чунки одамларда буларга эҳтиёж бор эди. Шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг турар жойларини бирин-кетин тартиб билан кўрсатдим. Румдан кун чиқаргача бўлган мусулмон ва бошқаларни зикр қилдим. Румга яқин биринчи қabila **бэјәнэк** сўнг **қїфчақ, оғуз, јәмәк, башғӣрт, басмӣл, сўнг қай, сўнг јабақу, сўнг татар, сўнг қїрқїз**, келади. Қирғизлар Чин яқинидадирлар. Бу қабилалар ҳаммаси Рум ёнидан кун чиқаргача чўзилгандир. Сўнг **чїгїл, сўнг тухсї, сўнг јағма, сўнг їғрақ, сўнг јаруқ, сўнг јумул,**

сўнг **ујғур**, сўнг **таңут**, сўнг **хїтај**, Хитой – «Чин»дир. Сўнгра **тағғач**; бу «Мочин»дир.

Бу қабилаларннг Жануб ва Шимол ўртасидадир. Бу қабилаларнинг турар жойларини бу доирада кўрсатдим» [18.64].

**«Девону луғотит турк» мустақил асар.** «Девон»нинг тузилиши учун асос бўлган асарлар ҳақида ҳам турлича фикрлар билдирилган. Айрим олимлар унинг мустақил асар эканлигига шубҳа билдиришган. Масалан, немис олими Г. Бергштрессер 1921 йилда Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Форобийнинг (961 йилда вафот этган) «Девонул-адаб фи байон луғотул-араб» («Араблар тилида баён этилган адабий асарлар девони») асари «Девону луғотит турк»нинг яратилишига асос бўлган, деган фикрни билдирган [18.30]. Г. Бергштрессер ҳатто «Девон»ни «Девонул-адаб»нинг таржимаси деб ҳам ёзган [27.16].

А.Б. Халидов эса Қоҳирада чоп этилган «Девонул-адаб» (1974-1979) билан Маҳмуд Кошғарий асарини қиёслаб, асар бўлимларининг номланиши, тузилишида айнан ўхшашлик бор эканлигини баён этади [161]. Бироқ Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи «Девон»нинг бирор жойида «Девонул-адаб» ёки унинг муаллифи тўғрисида маълумот бермаган.

Маҳмуд Кошғарий «Девон»ни тузишда Халил ибн Аҳмаднинг «Китобул-айн» луғатига асосланганлигини эътироф этиб, ундан ижодий фойдаланганлиги ҳақида ёзган: «Китобни тузиш олдида Халил ибн Аҳмаднинг «Китобул-айн» асарида тутган тартибни қўллаш, истеъмолдан чиққан сўзларни ҳам бера бориш фикри менда туғилган эди... Лекин мен ўқувчиларнинг фойдаланиш масаласига асосландим. Мен истеъмолдаги сўзларнигина бердим, истеъмолдан чиққанларини ташладим. Мен тутган тартиб тўғрироқдир» [18.45-46].

Маҳмуд Кошғарий бир неча йиллар давомида туркийлар яшайдиган ҳудудларни айланиб, уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, оғзаки ижоди, адабиёти ва тил хусусиятларини пухта ўрганди. «Девон» учун манба бўладиган бой материаллар йиғди. Олимнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирқизларнинг (қирғизларнинг) шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса, мен тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта

мутахассисларидан, хушфаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найзодорларидан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирқиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим. Бу асар адабий ёдгорлик бўлсин деб, ... бу китобни туздим» [18.44].

Бундан ташқари, луғатшунос «Девон»ни тузишда алоҳида йўл тутганлигини ҳам таъкидлаб ўтади: «Қисқартиш ва енгиллатиш мақсадида бу асарни мендан олдин ҳеч ким тузмаган ва ҳеч кимга маълум бўлмаган алоҳида бир тартибда туздим. Бу ишда мен асарнинг қийматини ошириш, бошқаларга (фойдаланувчиларга) эса осонлик туғдириш мақсадида, пухта қўлланма бўлсин деб, ҳар бир қабиланинг ўзига хос хусусиятларига кўра қиёсий қоидалар туздим... Сўнгра мен ҳар бир қабилага мансуб сўзларнинг ясалиш хусусиятларини ва қандай қўлланишини қисқача кўрсатиш учун алоҳида йўл тутдим» [18.46-47].

Туркманистон тарихи билан шуғулланган В.И. Беляев «Девон»да келтирилган маълумотлар археологик қазилмаларда тўпланаётган далиллар билан жуда мос эканлигини алоҳида таъкидлаган: «Биз бу асарга ниҳоятда юксак баҳо бермоғимиз лозим. Чунки у китоблардан олиб ёзилмаган, балки жонли материални шахсан кузатишга асослангандир.

Муаллиф берган маълумотлар кўпинча ишонарли бўлиб, Ўрта Осиёдаги янги археологик кашфиётлар бу маълумотларнинг аксариятини исбот этмоқда» [82.32].

А.Н. Кононов «Девон»нинг буюк, ўзига хос ягона асар эканлиги ҳақида шундай ёзади: «Маҳмуд Кошғарий араб лексикографик практикаси учун характерли бўлган сўзларни жойлаштиришни ташқи томондангина сақлаган ҳолда турк тили фонетикаси ва грамматикаси хусусиятларини кўрсатиш йўллари топган. Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида фонетик, морфологик, синтактик кузатишлар беҳисоб бўлиб, улар ҳамини ва ҳар доим қиёсий планда берилган. Маҳмуд Кошғарий «Девон»и ўз мундарижасининг бойлигига кўра шу соҳадаги яқка-ю ягона асар» [17.30].

Бу далиллар «Девону луғотит турк» асарининг мустақил асар эканлигини тўла исботлаш учун етарлидир.

**«Девону луғотит турк»нинг биринчи нашри.** Зиё Кўкалп, ўша даврда бош вазир лавозимида ишлаган Талат пошо ва

бошқа зиёлиларнинг ҳаракатлари билан Али Амирийдан «Девон»ни нашр эттиришга розилик олади. Али Амирий асар саҳифаларини тартиблаб нашрга тайёрлашни шогирдларидан Килисли Муаллим Рифатга топширган. Рифат асар устида икки ойча ишлаб, унга тартиб берган. Сўнгра нашрга тайёрлаш учун бир ярим йилча тер тўккан. Бир жилдли асарни уч жилд ҳолида нашрга тайёрлаган.

«Девон»нинг биринчи (436 бет), иккинчи (294 бет) жилдлари ҳижрий 1333 (милодий 1915) йилда, учинчи жилди (333 бет) эса ҳижрий 1335 (милодий 1917) йилда Истанбулда чоп этилган [220; 221; 222]. Шундан кейин асар ҳақидаги дастлабки тадқиқотлар, айрим парчаларининг нашри, кейинчалик эса турли тилларга қилинган таржималар юзага келган.

**«Девону луғотит турк»нинг таржималари.** Асар ҳозиргача турк, ўзбек, уйғур, озарбайжон, қозоқ, инглиз, немис, хитой, рус ва эрон тилларига таржима қилинган.

**«Девон»нинг туркча таржималари.** «Девон» турк тилига бир неча марта таржима қилинган. Асарнинг дастлабки туркча таржимони Али Амирийнинг шогирдларидан, асарнинг биринчи ношири Килисли Рифат ҳисобланади. У 22 дафтардаги таржима матнини Маориф вазирлигига топширган [233].

Кейинчалик Буюк Миллат Мажлиси кўрсатмаси билан Самиҳ Рифатбей ва шоир Меҳмет Акифлар асарни таржима қилишга жалб қилинган [198.XXIV]. Буларга Килисли Рифат таржимаси ҳам юборилган. Қандайдир сабаб билан бу иш ҳам охирига етказилмаган.

Шундан кейин Маориф вазирлиги Турк тили қуруми «Девон»ни таржима қилиш тўғрисида алоҳида қарор қабул қилган. Қарорда асар сўзларини алифбо тартибида жойлаштириб таржима қилиш кўрсатилган. Бу таржимани ҳам Килисли Рифат амалга оширган [233]. Таржимани кўриб чиқиш учун Жалол Соҳир, Рагип Ҳулусий, Ҳамит Зубейир ва Бесим Аталайлардан иборат ҳайъат тузилган. Ҳайъат Килисли Рифат таржималарида бир қанча нуқсонлар борлигини аниқлаган. Рифат бу камчиликларни тузатмаганлиги учун таржима қўлёзмаси нашрга тавсия қилинмаган.

Кониялик Атифбей, Буюк Миллат Мажлиси депутати Тевфикбей таржималарида ҳам нуқсонлар мавжудлиги сабабли таржима қўлёзмаси нашрга тавсия этилмаган.

Таржималарни кўриб чиқиш ҳайъати аъзоси бўлган Бесим Аталай Акифбей ва Рифат таржималаридаги асосий нуқсонлар сифатида асарнинг эски тилда, айрим сўзларнинг маънолари нотўғри таржима қилингани, туркий сўзларни лотин алифбосига ўтказишдаги нуқсонлар, баъзи сўзлар, жумлалар, ҳатто, бутун бошли саҳифалар таржима этилмагани, арабча нусхадаги мавжуд камчиликлар тузатилмаганлигини кўрсатиб ўтган [198.XXVII-XXIX].

Турк тили қуруми бошлиғи Иброҳим Нажми Дилменнинг тавсияси билан асарни Бесим Аталай таржима қилади. Бу таржима 1939-1941 йиллар оралиғида Истанбулда нашр қилинган. Асарнинг биринчи жилдида И.Н. Дилменнинг сўзбошиси [198.V-VI], Бесим Аталайнинг «Девону луғотит турк» ва таржимаси ҳақида қайдлар» номли мақолалари [198.VII-XXXVI] берилган. Бесим Аталай мақолада «Девон» муаллифи, асарнинг тузилган вақти, у асосида олиб борилган тадқиқотлар, турк тилига қилинган таржималар ва уларнинг камчиликлари каби масалаларга тўхталиб ўтган.

Бесим Аталай 1943 йилда асарнинг индексини чоп эттирган [197]. Унинг III-бетида Бесим Аталайнинг сўз бошиси, V-XI-бетларда асар қўлёзмаси, босма ва таржима нусхалари бетларининг қиёсий жадвали, XIII-XL-бетларда тузатишлар берилган. 1-866-бетларда асарнинг индекси жой олган.

**«Девон»нинг ўзбекча таржималари.** Ўзбекистонда «Девон»ни таржима қилишга дастлаб Фитрат киришган. У асардаги бир қанча шеърий парчаларни ўзбекчага уйғунлаштирган [44; 45].

XX асрнинг қирқинчи йиллари бошларидан «Девон»ни ўзбек тилига таржима этиш устида С. Муталлибов ишлай бошлайди. Олимнинг таржимаси 1960-1963 йиллар орасида Тошкентда «Фан» нашриётида чоп этилди [18; 19; 20]. Асар А.К. Боровков, Ғ.А. Абдурахмонов, О. Усмонов, Т. Салимов, Х. Комилова, Ж. Тожибоев, У. Каримовларнинг катта ёрдам ва маслаҳатлари, Тил ва адабиёт институтининг директори лавозимида ишлаган А. Қаюмовнинг ғамхўрлиги, шунингдек, институт тил тарихи бўлимининг ходимлари И. Қўчқортоев, Ҳ. Низомов, М. Турובהва, Ғ. Каримов, Р. Бахтиёрова, Ғ. Саломов, С. Низомиддинова, С. Фердоусларнинг нашрга тайёрлашда қунт билан ишлаганликлари, Ҳ.С. Сулаймоновнинг арабча матнлар устига зеру забар қўйишдаги хизматлари билан чоп этилган.

Асарнинг биринчи жилдида С. Муталлибовнинг «XI асрнинг буюк филологлари ва уларнинг ноёб асарлари» номли катта

81. Бартольд В.В. О делении тюркских племен и языков по Махмуду Кашгарскому // Сочинения, т. V, с. 205-206.

82. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. – М., 1969.

83. Беляев В.И. «Диван лугат ат-турк» // Материалы по истории туркмен и Туркменистана. т. 1, – Москва-Ленинград, 1939.

84. Благова Г.Ф. Тюркское склонение в ареально-историческом освещении. – М., «Наука», 1982, с. 127-142, 146-154.

85. Боровкова Т.А. Грамматический очерк языка «Диван-у лугат ит-турк» Махмуда Кашгари. АКД, – М., 1966.

86. Боровкова Т.А. О губных согласных в «Диван-у лугат ит-турк» // Тюркологический сборник. – М., 1966, с. 24-27.

87. Боровкова Т.А. О фонетической терминологии в словаре Махмуда Кашгарского «Диван-у лугат ит-турк» // Известия АН СССР, ОЛЯ, 1966, № 6. с. 528-531.

88. Боровкова Т.А. Относительно нового издания словаря Махмуда Кашгарского // НАА, 1964, № 5, с. 133-135.

89. Валидов Дж. О словаре турецких языков Махмуда Кашгарского // Вестник научного общества татароведения. – Казан, 1927, № 7, с. 107-112.

90. Велиев И.Д. Формы выражения прошедшего времени в «Дивану лугат ит-турк» Махмуда Кашгари // Ученые записки Азербайджанского государственного университета им. С.М.Кирова. Серия языка и литературы, 1968, № 5.

91. Гарипов Т.М. Махмуд Кашгари и кыпчакские языки Урало-Поволжья // Советская тюркология, – Баку, 1972, № 1, с. 47-51.

92. Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент, «Ёзувчи», 1991.

93. Демирчизаде А.М. Сравнительный метод лингвиста XI века Махмуда Кашгари // Известия АН АзССР, серия общественных наук, 1964, № 4, с. 45-55.

94. Демирчизаде А.М. Сравнительный метод Махмуда Кашгари // Советская тюркология, – Баку, 1972, № 1, с. 31-42.

95. Дёрфер Г. Махмуд Кашгари: аргу, халадж // Советская тюркология, – Баку, 1987, № 1, с. 37-44.

96. Древнетюркский словарь. – Л., Наука, 1969.

97. Жузе П.К. Диван лугат ат-турк // Известия Восточного факультета Азербайджанского Государственного университета. т. I, – Баку, 1926, с. 75-94; т. II, – Баку, 1928, с. 27-58.



Мақоланинг учинчи бўлимида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»ни тузиш йўлидаги изланишлари: ўзидан олдинги ва замондошлари томонидан яратилган луғатларни кунт билан ўрганиб, ўзи тамомила янги йўл тутганлиги таҳлил қилинган.

Тўртинчи бўлимда «Девон»нинг тузилиши, мазмуни хусусида фикр юритилган.

Бешинчи бўлимда қорахонийлар давридаги давлат тили хоқонийлар тили бўлганлиги, унинг ўзига хос фонетик, грамматик ва лексик хусусиятлари ҳақида фикр билдирилиб, бу тил «Девон» тузиш учун асос бўлганлиги қайд қилинган.

Олтинчи бўлимда эса «Девон»нинг турк ва ўзбек тилларидаги нашрлари, уларнинг ноширлари хизматиغا юқори баҳо берилган. Шу билан бирга, турк тилидаги нашрда Бесим Аталай йўл қўйган айрим камчиликлар ҳам кўрсатилган. Булар: а) айрим сўзлардаги фонетик ҳодисалар нотўғри талқин қилинган ва шунинг оқибатида баъзи сўзлар транскрипцияси хато берилган; б) қорахоний-уйғур тилидаги **ә** ҳарфи билдирган товуш барча ўринларда **е** билан ифодаланган.

Муаллифларнинг ёзишича, Маҳмуд Кошғарий - уйғур миллатига мансуб.

Уйғурча таржимада Б. Аталай нашридаги айрим мунозарали жойлар бартараф этилган. Сўзларнинг талаффузини имкон қадар аниқ кўрсатишга ҳаракат этилган.

**«Девон»нинг форсча таржималари.** 1996 йилда Муҳаммад Дабир Сиёқий томонидан қилинган «Девон»нинг форс тилидаги таржимаси Техронда чоп этилган. Таржимада К. Брокелманн ва Д. Дилчин тадқиқотидан фойдаланилган. Улардаги камчиликлар таржимада ҳам айнан акс этган. Муҳаммад Дабир Сиёқий томонидан ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган. Шу боис таржамадан юзлаб тушунарсиз сўзлар ўрин олган.

2005 йилда Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқ «Девон»нинг форс тилидаги янги таржимасини 2500 ададда Табризда нашр эттирди. Ушбу нашр 628 бетдан иборат. Китоб мундарижа, таржимоннинг сўз бошиси, матн (97-623), таржимоннинг туркча ва лотин ёзувидаги икки бетли қисқа сўзидан ташкил топган. Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқ 53 саҳифалик сўз бошида «Девон»нинг муаллифи, туғилиб ўсган жойи ва қабри, асар ёзилган вақт, нашрлари ва таржималари, олимларнинг асар ҳақидаги энг муҳим тадқиқотлари борасида фикр билдирган. Туркий шеъриятнинг бармоқ вазни масалаларига тўхталган ва шу асосда «Девон»даги



шеърий парчаларни таҳлил қилган. Таржимани тайёрлаш методи тўғрисида маълумот берган. Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқнинг таржимаси Муҳаммад Дабир Сиёқий томонидан амалга оширилган таржимадан ҳар томонлама устунлиги билан ажралиб туради. Таржима тўлиқ, ўқувчиларга тушунарли раван тилда амалга оширилган. Барча сўзлар латин ва араб алфибосида аниқ қилиб кўрсатилган [30; 173.157].



**«Девон»нинг инглизча таржимаси.** Асарнинг инглиз тилидаги таржимаси 1982-1985 йилларда Гарвард университетида уч жилд ҳолида нашр этилган. Уни инглиз олимлари Роберт Денкофф ва Жимз Маккадилар таржима этган. Инглиз тилидаги таржима Шинаси Текин ва Гўнул Алпайларнинг таҳриридан чиққан. Биринчи жилддаги сўз бошида асар ҳақида қўшимча маълумотлар берилган [193].

**«Девон»нинг немисча таржимаси.** Маҳмуд Кошғарий асарининг немис тилига қилинган таржимасини Карл Брокелманн амалга оширган ва 1928 йилда Лейпциг шаҳрида нашр эттирган. Ушбу ишда «Девон» тўлалигича немис тилига таржима қилинмаган, туркий сўзларнинг транскрипцияси ва немисча таржимаси берилган [188].

**«Девон»нинг қozoқча таржимаси.** Асғар Агабойовнинг қozoқ тилидаги таржимаси 1997-1998 йилларда Алматида босилиб чиққан [68; 69; 70].

**«Девон»нинг хитойча таржимаси.** Бугунги кунда Хитойда ҳам «Девон» асосида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Чунки «Девон»да туркий халқларга оид кўплаб маълумотлардан ташқари, Хитой билан туркий халқлар ўртасидаги маданий ва савдо-сотик алоқалари, Хитойдаги айрим шаҳар ва қишлоқларнинг номлари, у ерларда яшайдиган қабилалар ҳамда айрим хитойча сўзлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Масалан, Маҳмуд Кошғарий **“Тawғач”** сўзини шундай изоҳлаган: **“Тawғач** - Мочин мамлакатининг оти. Бу мамлакат Чиндан тўрт ойлик йўл узокдадир. Чин аслида учтадир: 1) Юқори Чин – бу Шарқда бўлиб, бунга Тawғач дейилади. 2) Ўрта Чин, буни Хитај дейилади. 3) Қуйи Чин, буни Бархан дейилади ва у Қашқардадир. Лекин ҳозир Тawғачни Мочин, Хитойни Чин деб юритилади” [18.422-423].

Ёки Хитойда яшовчи тубут қабиласи ҳақида шундай маълумот келтирилган: **“тўбўт** - турк диёрида яшовчи бир қавм. Мушк олинадиган кийик шуларнинг ерида бўлади. Унинг



киндигини кесиб олинади. Бу мушк кутисидир. Булар бир жиноят қилиб Ямандан қочиб денгиз йўли билан Чинга бориб ўрнашиб қолган Собит деган кишининг авлодларидир. У киши шу ерни ёқтириб, жойлашиб қолган ва авлоди кўпайган. Авлодлари кўплигидан турклар еридан бир минг беш юз фарсах ерни олганлар. Шарқ томони Чин, ғарб томони Кашмир, шимол томони Уйғур эллари, жануб томони эса Ҳинд денгизидир. Уларнинг тилларида арабчининг таъсири бор. Чунки улар онани **ума**, отани – **аба** дейдилар” [18.337].

XI асрда яратилган «Девон»даги бундай маълумотлар хитойлик мутахассисларни ҳам қизиқтириши табиий, албатта. Шу боис «Девон» 2002 йилда хитой тилига таржима этилиб, Пекин шаҳридаги Миллатлар наширётида уч жилд ҳолида чоп қилинди.

Асарнинг биринчи жилдини Ҳе Руи Винг Йи, Хиао Зхонгйи, Лиу Жингжиалар таржима, Мирсултон Усмонов ва Чхен Хиалар таҳрир этишган. Иккинчи жилд Хиао Зхонгйи, Лиу Жингжиалар таржимасида, Қи Қингшуп ва Тоҳиржон Муҳаммадлар таҳририда босмадан чиққан. «Девон»нинг хитой тилидаги учинчи жилдини Хиао Зхонгйи таржима, Қи Қингшуп ва Тоҳиржон Муҳаммадлар эса таҳрир қилишган [173.156-157].

#### **«Девону луғотит турк»нинг электрон нусхаси.**

Асарнинг электрон нусхаси Хитойнинг Шинжон университети кўп тил-ёзув ахборот техникаси асосий лабораториясида тайёрланган бўлиб, унга «Девон»нинг уйғур, хитой, турк ва инглиз тилларидаги таржималари киритилган.

Ушбу электрон нусха кутисининг олд томонидаги тасвирда Маҳмуд Кошғарийга Ўпол қишлоғида ўрнатилган ҳайкалнинг расми, унинг остида уйғур ва хитой тилларида «Маҳмуд Кошғарий туғилганлигининг минг йиллигини хотирлаймиз! Шинжон университети кўп тил-ёзув ахборот техникаси асосий лабораторияси» деган ёзув бор. Қутининг орқа томонида Маҳмуд Кошғарийнинг Ғози Эмет томонидан ишланган расми, Ҳазрати Мулло қабристонидаги архитектура ёдгорлиги тасвири, уйғур ва хитой тилларида «Туркий тиллар девони» кўп тилли электрон луғат, Шинжон университети кўп тил-ёзув ахборот техникаси асосий лабораторияси» деган ёзув акс этган.

«Девон»нинг ушбу электрон нусхаси мутахассислар ҳамда таълим жараёни учун жуда катта имконият яратади. «Девон» бўйича яратиладиган янги тадқиқотлар, тўрт тилдаги

таржималарни қиёслаб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини ўрганишга замин ҳозирлайди.

**«Девону луғотит турк»нинг ўрганилиши.** Асар чоп этилиши билан уни ўрганишга бўлган қизиқиш кучайди. Туркийшуносликнинг турли марказларида асарни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар юзага келди.

Асар устида энг кўп тадқиқот олиб борган ғарб олимларидан бири немис олими К. Брокелманн ҳисобланади. У 1919 йилдан йигирманчи йилларнинг охирига қадар «Девон» тадқиқига бағишланган ўндан ортиқ асарлар яратди [184; 185; 186; 187]. 1928 йилда «Девон» луғатини чоп эттирди [188]. Бу луғат ғарб олимлари ўртасида асарга бўлган қизиқишни янада кучайтирди. Олим узоқ йиллик олиб борган тадқиқотлари натижасида «Девон» тили ўрта турк тили даврига мансуб деган хулосага келди. Бу фикр кейинчалик барча олимлар томонидан эътироф қилинди.

Маҳмуд Кошғарий фаолияти, «Девон»да акс этган тил, адабиёт, тарих, маданият масалаларини ўрганиш борасида турк олимларининг алоҳида ўрни бор.

Туркияда «Девон»даги шеърий парчалар, мақоллар [202; 204; 212; 230; 246; 247], асарнинг тил хусусиятлари [177; 189; 190; 211; 246; 247; 249], таржималари [178], луғатни топган Али Амирий фаолияти [174; 233; 237] ва бошқа мавзуларда кўплаб тадқиқотлар яратилди. Айниқса бу борада Ф. Кўпрулузода, Ферит Биртек, М.Ш. Улкуташир, А. Жафер ўғли, Шукру Ҳалук Акалин сингари олимларнинг асарлари диққатга сазовордир.

«Девон» Туркияда бир неча марта нашр қилинди. «Девон»ни ўрганишга бағишланган хорижлик олимлар тадқиқотлари турк тилига таржима этилди [208; 231].

Маҳмуд Кошғарий фаолияти ва «Девону луғотит турк»нинг ўрганилишига бағишланган халқаро анжуманлар ўтказилди.

Бу ишга рус туркологиясида биринчи бўлиб киришган олим В.В. Бартольд (1869-1917) ҳисобланади. У 1921 йилда Рус археология жамиятининг Шарқ бўлимида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»и тўғрисида «ХI асрнинг туркча-арабча луғати» деган мавзуда маъруза ўқиди [104].

Олим ўзининг кейинги фаолиятида ҳам Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»идаги маълумотлардан кенг фойдаланади. Айниқса, Истанбул университетидеда «Ўрта Осиё туркий халқлари тарихи» мавзуида ўқиган ўн иккита маърузасида, 1926-27 ўқув

йилларида Тошкентда ўқиган «Турк-мўғул халқлари тарихи» курсида «Девон» маълумотларидан унумли фойдаланган [81].

Рус туркологиясида «Девон» билан боғлиқ филология йўналишидаги ишларни эса С.Е. Малов (1880-1957) бошлаб берган. У 1926 йилда Тошкентда нашр этилган «Образцы древнетюркской письменности с предисловием и словарем» номли мажмуасида «Девон»даги бир неча шеърнинг русча таржимасини берган. Кейинчалик яратилган «Памятники древнетюркской письменности» асарида «Девон»га кўп жой ажратган [117.306-315].

1926 йилда С.Е. Малов, К.К. Юдахин ва арабшунос олим Э.А. Шмитлар биргаликда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»и асосида «Қадимги туркий тил луғати»ни тузадилар. Бироқ К. Брокелманнинг луғати [188] нашр қилиниши муносабати билан мазкур сўзлик чоп этилмади [104.3].

1926 йилда Бокуда бўлиб ўтган Биринчи туркийшунослар қурултойида Б. Чўпонзода «Туркий тилларнинг ўзаро қариндошлиги» мавзуидаги маърузасида асосан «Девон»даги далилларга суянади [165].

Татар олими Жамил Валидов 1927 йилдаги мақоласида «Девон» тўғрисида янги маълумотлар беради [89]. А.М. Кримский ҳам «Туркийлар, уларнинг тил ва адабиёти» асарида «Девон»га алоҳида тўхталган [108].

Т.А. Боровкова «Девону луғотит турк»нинг грамматик очерки бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди [85]. «Девон»даги фонетик терминология [87], лаб ундошлари [86], чўзиқ унлилар масалаларига бағишланган мақолаларини эълон қилди.

И.В. Стеблева «Девону луғотит турк»даги шеъринг парчаларни, мақол ва маталларни адабий манба сифатида ўрганди [149].

Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда, айниқса, А.Н. Кононовнинг қатор мақолалари муҳим аҳамиятга эга бўлди [17; 104; 105; 106; 107;]. Олим «Девон» ёзилганлигининг 900 йиллиги муносабати билан Фарғонада ўтказилган анжуманда «Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девону луғотит турк» асари», Анқарада ўтказилган анжуманда «Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» асарининг иттифоқда ўрганилиши» мавзуларида маъруза қилди. Ҳар иккала маъруза матни чоп этилган [17; 104; 105].

Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш борасида Озарбайжонда ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. П.К. Жузе 1926-1928 йилларда эълон қилган катта ҳажмли иккита мақоласида луғатшунос таржимаи ҳолига аниқлик киритишга интилди. «Девон»нинг фандаги тутган ўрнига юксак баҳо берди: «Маҳмуднинг "Девон"ида ўша вақтда қорахонийлар давлати таркибига кирган шимоли-шарқий қабилалар деярли ҳаммаси тўпланган... Дадил айтиш мумкинки, яқиндагина (XIX аср охирида) Россияда ва Шарқда ўрганилган туркий тиллар фонетикаси ва этимологиясининг асосий қонунлари XI асрдаёқ Маҳмуд томонидан аниқланган ва ўрганилган эди. Маҳмуднинг бу текширишлари шу қадар кенг ва чуқурки, ҳатто, бундай асар XIX асрда ёзилганда ҳам, унга шон-шўҳрат келтирарди. Маҳмуд Кошғарийнинг "Девон"и сингари асар фан оламида кейинги асрларда ҳам яратилган эмас. Унинг асари гўё "Туркий қомус"дир» [97.33-34]. Кейинчалик Озарбайжонда «Девон»даги фразеологик бирликлар [80], ўтган замон шаклининг ифодаланиши [90], Маҳмуд Кошғарий қиёсий методининг аҳамияти [93; 94] ва бошқа мавзудаги тадқиқотлар яратилди [162].

Қозоқ олимлари Маҳмуд Кошғарийнинг ҳаёти [125], «Девон»нинг лексикографик хусусияти [101; 120; 121], асарнинг ўрганилиш тарихи [112], асарда Қозоғистон ҳудудида яшаган қавмлар ҳақидаги маълумотларнинг акс этиши [67; 99], тарихий-географик маълумотларнинг берилиши [122;123] каби масалалар устида иш олиб борганлар.

Шунингдек, қирғиз [125; 126; 139; 140], туркман [62; 83] олимлари ҳам «Девон» бўйича қатор тадқиқотлар яратишган.

«Девон» билан шуғулланган атоқли олимлар қаторида ўзбек туркийшуносларининг ҳам муносиб ўрни бор. Ўзбекистон тарихи, маданияти, географияси, тиббиёти, ўзбек тили, адабиёти, фольклори, шевалари каби қатор масалалар тарихи ва шаклланиш босқичлари ўрганилганда бевосита «Девон»даги материалларга мурожаат қилинади. Бугунги кунда ўзбек мактаблари, коллеж ва лицейлари, олий ўқув юр்தларининг қўлланма ва дарсликлари «Девон»даги материаллардан фойдаланиб тузилган [4; 7; 11; 59; 40; 41].

Ўзбекистонда «Девон» бўйича амалга оширилган илмий ишларга тўхталадиган бўлсак, бу борадаги тадқиқотлар тарихини ўрганишда муҳим бўлган муаллифи номаълум бир асар хусусида мулоҳаза юритиш лозим. Ўзбекистон Фанлар академиясининг

қўлёзмалар фондида 5046/1 инвентар рақамли «Девону луғат сўзлари учун фикраст» сарлавҳаси остида бир қўлёзма сақланмоқда. У 231 саҳифадан иборат бўлиб, оддий дафтарга кизил ва кўк сиёҳларда ёзилган. Қўлёзмада «Девон»нинг арабча нашридаги 6500 тача туркий сўз алифбо асосида кўчириб ёзилган, ҳар бир сўз қайси жилдда, саҳифада эканлиги кўрсатилган. Арабча нашрининг биринчи жилдидаги сўзлар дафтарнинг 1-57, 65-74-саҳифаларида, иккинчи жилддаги сўзлар 59-62, 74-83-саҳифаларда, учинчи жилддаги сўзлар эса 62-66 ва 83-саҳифалардан кейинги бетларда берилган. «Девон» тадқиқотчиларидан Ҳ. Ҳасановнинг фикрича, бу кўрсаткич 1924-1925 йилларда тузилган [60.18]. Агар шу сана илмда эътироф этиладиган бўлса, бу қўлёзма туркийшуносликда «Девон» бўйича тузилган дастлабки индекс-луғат қўлёзмаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда «Девон» билан шуғулланган биринчи олим Абдурауф Фитрат ҳисобланади. Унинг «Девон» бўйича яратган тадқиқотлари, кузатишларини нафақат ўзбек илмида, балки туркийшуносликдаги энг муҳим ишлардан деб баҳолаш мумкин.

Мисолларга мурожаат этайлик. Фитрат «Сарф» асарида «Девон» тили «Қутадғу билиг», «Ҳибатул-ҳақойиқ» ва Аҳмад Яссавий ҳикматлари тили билан жуда яқин бўлиб, кейинчалик чиғатой тили деб номланган тилга асос бўлганлигини қайд этган [43.6-9]. Олим бундай фикрни «Энг эски турк адабиёти намуналари» асарининг «Сўз боши»сида ҳам алоҳида қайд этган: «Сарф»имнинг бошланғичида ёзганим каби хоқоний туркчаси ёки туркча аталган мана шу адабий шеванинг беш аср кейинги шакли чиғатойчадир... Бу шеванинг энг эски намуналарини бизга "Девону луғотит турк" китоби берадир» [45].

«Ўзбек адабиёти намуналари» номли мажмуасида «Девон»даги шеърини парчалардан намуналар келтириб, уларни ҳозирги ўзбек тилига уйғунлаштирган, тушунилиши қийин бўлган сўзларга изоҳ берган [44.26-33, 68-70].

Фитратнинг «Девон» бўйича амалга оширган муҳим ишларидан бири «Энг эски турк адабиёти намуналари»дир. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда 4 қаторли, иккинчи қисмда 2 қаторли шеърлар берилган, учинчи қисмда эса баъзи сўзлар, сўзларнинг грамматик хусусиятлари изоҳланган. Шеърини парчалардаги сўзлар «Қутадғу билиг», «Ҳибатул-ҳақойиқ», «Муқаддимат ул-адаб» ва эски ўзбек адабий тилининг бошқа асарларидаги лексик бирликлар билан қиёсланган.



Маълумки, туркий тилларнинг таснифи масаласи туркологиядаги муаммоли масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозиргача туркий тилларнинг бир неча таснифлари яратилган бўлса-да, Маҳмуд Кошғарий томонидан амалга оширилган тасниф қайсидир жиҳатлари билан шу кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Фитрат «Энг эски турк адабиёти намуналари»нинг «Бир-икки сўз» деб номланган сўз бошисида туркий тилларнинг тасниф масалаларига, хусусан, В.В. Радлов ва А.Н. Самойлович таснифларига тўхталган. Маҳмуд Кошғарий томонидан қилинган тасниф кейинги таснифларда айнан келтирилмаса ҳам, асос сифатида олинишини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Фитрат Туркияда «Девон» бўйича амалга оширилаётган тадқиқотларга, хусусан, Н. Осим ва Ф. Кўпрулузода ишларига ҳам муносабат билдирган. Ф. Кўпрулузоданинг «Турк адабиётининг маншаи» мақоласидаги фикрлар билан мунозарага киришган. Ф. Кўпрулузода «Девон»даги шеърий парчаларнинг вазн, қофия ва мавзусига асосланиб, асарда тўртта - «Алп эр тўнга» марсияси, «Ябақу» қабиласи билан боғлиқ бир воқеа марсияси, кимга бағишлангани номаълум бўлган учинчи марсия, Танқут амирига бағишланган марсия борлигини қайд этган. Фитрат эса «Девон»да икки марсия мавжуд деган, фикрни билдирган.

Ф. Кўпрулузоданинг фикрича, «Алп эр тўнга» марсияси ўн икки парчадан иборат. Фитратнинг маълум қилишича, «Алп эр тўнга» марсиясида ўнта парча мавжуд. Иккинчи жилднинг 105 саҳифасидаги

***жўғурди кәwäl ат  
Чақилдi қизил от  
Кўжўрди арут от  
Сачраб әнин ортанур.***

(Душман отини таърифлайди: учар от чопганда, туюқларидан ўтлар чақнади. Ундан чақнаган олов (сахро) хашакларини куйдириб юборди) парчаси вазн, қофия ва мавзу жиҳатидан «Алп эр тўнга» марсиясига мос тушмайди. У биринчи жилднинг 91-бетидаги билан учинчи жилднинг 31-бетидаги парчалар бир хилдир, деган қарашни билдирган.

Фитрат «Девон»да келтирилган шеърий парчаларни исломдан олдинги давр адабиёти намуналари сифатида баҳолаган.



Фитратнинг «Энг эски турк адабиёти намуналари» асари 2008 йилда «Мумтоз сўз» нишриётида қайта чоп этилди. Асарни О. Ҳамроева нашрга тайёрлаган, профессор Ҳ. Болтабоев таҳрир қилган. Ушбу нашрнинг 3-8-бетларида муҳаррирнинг «Қадимги туркий манбалар Фитрат талқинида» номли мақоласи, 9-111-бетларида «Энг эски турк адабиёти намуналари» асарининг кирилл алифбосидаги матни, 112-121-бетларида нашрга тайёрловчининг «Девону луғатит турк»нинг Фитратга қадар ўрганилиши ва «Энг эски турк адабиёти намуналари» мажмуаси» номли мақоласи, ундан кейин эса асарнинг арабча наشري нусхаси берилган.

«Энг эски турк адабиёти намуналари»нинг қайта чоп этилиши, айниқса, унинг араб алифбосидаги асл нусхаси матни билан берилиши ушбу нашрнинг ютуғидир.

Бироқ айрим китобларда бўлганидек, ушбу нашрда ҳам бир қанча хатоликларга йўл қўйилган. Уларнинг баъзилари Фитрат матнидаги сўзларни нотўғри ўқиш билан боғлиқ, шунингдек, масъул муҳаррирнинг ва нашрга тайёрловчининг мақолаларида фактик хатолар, услуб жиҳатдан таҳрирталаб ўринлар борки, булар ўқувчига нотўғри маълумот беради, уни чалғитади. Масалан, О. Ҳамроева нима учундир «сахҳофлар бозори»ни, «сахҳоф бозори» тарзида, машҳур турк олими Ф. Кўпрулуниги исмини «Купрулу», «ҳисобланган» сўзини «ҳисобган» шаклида ёзган. Маҳмуд Кошғарий асарининг номи бир жойда «Девону луғатит турк», иккинчи жойда «Девону луғати-т-турк» шаклида қайд этилган.

Бундан ташқари, О. Ҳамроеванинг ўн бетлик мақоласининг беш бети (112-116-бетлари) бизнинг «Девону луғатит турк»: топилиши, таржималари ва ўрганилиши» номли мақоламизга (Туркология масалалари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006, 60-65-бетлар) ҳавола берилмасдан сўзма-сўз кўчириб олинган. Афсусланарли томони шундаки, олинган кўчирмалардаги баъзи фикрлар нашрга тайёрловчининг мақоласи мантиқига мутлақо мос тушмайди. Айримларида эса муаллиф кўчирмаларга бир мунча ўзгартириш киритгандек бўлиб, қўпол хатоларга йўл қўяди. Айрим намуналар (фарқлар қорайтирилган шаклда берилмоқда) келтирамиз:

<p><b>Бизнинг «Девону луғотит-турк»: топилиши, таржималари ва ўрганилиши» номли мақоламизда</b></p>	<p><b>О. Ҳамроевнинг «Девону луғатит турк»нинг Фитратга қадар ўрганилиши ва "Энг эски турк адабиёти намуналари" мажмуаси» номли мақоласида</b></p>
